

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ШЎР ЮВИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ш.А.Усманов

Ирригация ва сув муаммолари илмий
тадқиқот институти т.ф.н., кат.и.х.

Э.Р.Садиков

Ирригация ва сув муаммолари илмий
тадқиқот институти таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, бугунги кундаги бозор иқтисодиётига ўтилган шароитда ҳар бир ҳудудда юз бераётган табиий-географик, гидрогеологик-тупроқ ва мелиоратив жараёнларни илмий жиҳатдан мукамал ва чуқур тадқиқ қилиш муаммолари ёритилган.

***Калим сузлар:** сув ресурслари, сув таъминоти, сугориладиган ерлар, мелиоратив ҳолат.*

ABSTRACT

The article provides information on the impact of agriculture on water supply and the melioration of irrigated lands, and the problems of scientifically perfect and in-depth research of the natural-geographical, hydrogeological-soil and melioration processes occurring in each region in the conditions of today's transition to the market economy are highlighted.

***Keywords:** water resources, water supply, irrigated lands, land reclamation.*


КИРИШ

Деҳқончиликда кузги-қишки мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган энг асосий агротехник тадбирлардан бири – бу ерларнинг шўрини ювиш ҳисобланади. Бу муҳим ишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ўта муҳим ва долзарб вазифа бўлиб, бунинг натижасида экин майдонлари ҳосилдорлиги ошиши учун мустаҳкам замин юзага келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида шўр ювиш ишларини жойлардаги мелиоратив экспедициялар томонидан ишлаб чиқилган ва илмий асосланган тавсиялар бўйича мақбул муддатларда ва белгиланган меъёрларда

амалга ошириш белгилаб берилган. Бу борада Андижон вилоятида муайян саъйҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, вегетация даври тугагандан сўнг вилоят мелиоратив экспедиция мутахассислари томонидан туманлардаги белгиланган нуқталардан тупроқ наъмуналари олиниб тахлилхонага топширилди. Хар бир нуқтадан 0.0-0.3 метргача, 0.3-0.7 метргача ва 0.7-1.0 метргача чуқурликлардан 3 тадан тупроқ наъмуналари олиниб тахлилхонада уларнинг шўрлик даражалари аниқланди. 1-график

Андижон вилояти туманларида 2022-2023 йилларда шўрлик даражалари аниқланган туманлар тўғрисида маълумот



Ана шу тахлилларга кўра, 2022 йилнинг 1 октябр ҳолатига вилоятдаги жами суғориладиган 270 минг гектар майдоннинг 263 минг 787 гектари шўрланмагани аниқ бўлди. Шундан 3 минг 707 гектари эса кам, 2 минг 506 гектари ўртача шўрланган деган хулоса олинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу факт ва рақамлар вилоятдаги суғориладиган ерларнинг 2,3 фоиз қисми турли даражада шўрлангани аниқ бўлди. Шунинг эътиборга олган ҳолда, жорий қишки мавсумда 6 минг 213 гектар майдонда шўр ювиш ишларини амалга ошириш белгиланди.

Шўр ювишга ҳозирлик ишлари ноябр ойидаёқ бошланиб кетди. Бу ишга бош-қош бўлиш туманлардаги ирригация бўлимлари раҳбарлари зиммасига юкланди. Мелиорация бўлимлари бошлиқлари ва техник-мелиораторлар эса, бу юмушларнинг сифатли ва белгиланган меъёрларда боришини назорат қилиб бормоқда. Шунингдек, вилоят бўйича 18 та ер текислаш, жами 22 та пол ва жўяк олиш механизмлари жалб этилди.

Ишларни сифатли амалга ошириш учун шўр ювиладиган майдон дастлаб ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланди, 35-40 сантиметр чуқурликда сифатли шудгордан чиқарилди. Сув билан бир текис бостирилиши учун полларнинг ўлчами бирдек бўлиши, уларнинг махсус техникалар ёрдамида текисланишига алоҳида эътибор қаратилди. Шўр ювиш ишлари биринчи навбатда вегетация мавсумида сув бориши қийинлиги маълум бўлган охириги қулоқлардаги ўрта ва кучсиз шўрланган майдонлардан бошланди ва кейин бошқа ҳудудларга ўтилди.



Мутахассислар фикрига кўра, сифатли шўр ювиш натижасида ҳайдалма қатламдаги зарарли тузлар тупроқнинг пастки қисмига тушади. Ерга қадалган уруғдан тўлиқ кўчат олинисига, зарарли ҳашаротлар ғумбаклари нобуд бўлишига, бегона ўтлар қолдиқ ва уруғлари чиришига, баҳорги юмушлар олтидан тупроқда етарлича нам тўпланишига замин яратилади яъни келгуси йилда рўй бериши эҳтимоли бўлган сув танқислиги асоратларини юмшатиш, шўри ювилган майдонларни бир марта суғоришга сарфланадиган сувни иқтисод қилиш имкониятига эга бўлади.

ХУЛОСА

Республикаимиз суғориладиган ерларнинг 60-65% табиий шўрланишга мойил ерлар ҳисобланади. Чунки, бундай ерларда маъданлашган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган бўлиб, улар доимо буғланишга сарфланади ва оқибатда тузлар ер юзасида тўпланиб қолади. Шунинг учун шўрланган ерларни ҳар йили шўрини ювиш мутлоқо зарурий агромелиоратив тадбир ҳисобланади.

Шўр ювишнинг вазифаси қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ривожланиши ва мўл ҳосил бериши учун зарарли бўлган ортиқча тузларни

тупроқдан ювиш ҳамда сизот сувларининг маъданлашганлигини камайтиришдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6024-сонли Фармони.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Ш.Усмонов, Ш.Тўраев, Б.Шониёзов Сизот сувлари сатҳи назорати “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали 2022 й 2-сон бет 38-39